

Жиноят иши: [REDACTED]
Маърузачи: судья [REDACTED]

Биринчи инстанцияда ишни кўришда
раислик қилган судья: [REDACTED]

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

[REDACTED] куни, Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, ўз биносида, видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья [REDACTED] иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан Хоразм вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори [REDACTED], жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] судланган [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси, адвокат [REDACTED] иштирокида, Жуманиёзова [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси, адвокат [REDACTED] томонидан берилган апелляция шикояти ҳамда Қўшқўпир тумани прокурори томонидан апелляция тартибида келтирилган протест асосида кўриб чиқиб, апелляция инстанцияси суди қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг 2026 йил 30 мартдаги ҳукмига кўра,

[REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, турмушидан ажрашган, икки нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] 2026 йил 3 январь кунидан “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, суд ҳукми нусхасини қонунда белгиланган муддатда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга нисбатан шу модда билан ЖКнинг 50-моддаси 6-қисми тартибида, 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони

умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланиб, суд залидан қамокқа олинган ва жазони ўташ муддати 2026 йил 30 март кунидан бошлаб ҳисобланган.

Жиноят натижасида етказилган моддий зарар учун судланган [REDACTED] жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] фойдасига 100.000.000 (юз миллион) сўм, жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 14.500.000 (ўн тўрт миллион беш юз минг) сўм ундириш белгиланган.

Жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED].439.000 (олтмиш тўрт миллион тўрт юз ўттиз тўққиз минг) сўм моддий зарарни ундиришдан воз кечганлиги инобатга олинган.

Суднинг ҳукмига кўра [REDACTED] енгил даромад топиб, бойлик орттириш мақсадида, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туркумига кирувчи фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритишда ифодаланган ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, оғир турдаги жиноятни қўйидаги усул, вақт ва шароитларда қасдан содир қилиш йўлига кирган.

Жумладан, [REDACTED], ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-тарож қилишни мақсад қилиб, Тошкент шаҳрида жойлашган [REDACTED] МЧЖга Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари бўйича савдо вакили сифатида ишга кириб, ўз хизмат вазифаларига кўра жамиятга тегишли бўлган турли хил дори маҳсулотларини минтақадаги дорихоналарга сотиш ва улар билан қонуний тартибда шартномалар қилиши лозим бўлса-да, жамият раҳбари [REDACTED] 2024 йил ноябрь ойидан 2025 йил 15 январь кунига қадар 12 хил турдаги умумий қиймати 299.168.000 сўмлик дори маҳсулотларини давомли равишда Хоразм вилоятида почта хизматлари орқали қабул қилиб олиб, кейинчалик ушбу дори воситаларини Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг айрим туманларидаги дорихоналарга белгиланган тартибда сотиш йўли билан 53.600.000 сўм пулларни жамият раҳбарига қайтариб бериб, қолган жуда кўп миқдордаги 245.568.000 сўмлик дори маҳсулотларини ўзининг эҳтиёжлари йўлида сарфлаб, Б.Ибраевга жами 245.568.000 сўм миқдорида моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Бундан ташқари, [REDACTED], ўзининг жиноий ҳаракатларини давом қилдириб, такроран, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-тарож қилишни мақсад қилиб, Тошкент шаҳар, Яшнабод тумани, [REDACTED] билан 2024 йил 28 октябрь [REDACTED] учрашиб, у билан оғзаки равишда келишув қилишга эришиб, келишувга кўра жамиятга тегишли бўлган дори маҳсулотларини Хоразм вилоятида сотиб беришни ваъда қилиб, шу орқали унинг ишончига кириб, терговда аниқлаш имкони бўлмаган 2024 йил ноябрь

ойининг биринчи ўн кунлигида умумий қиймати 30.000.000 сўмлик жами 300 дона ампула кўринишидаги [REDACTED]” дори маҳсулотларини олиб, ушбу дори воситаларини ваъда қилгани бўйича сотиб бермасдан, ўзининг олдиндан мавжуд бўлган қарзи эвазига дори воситаларини бошқа шахсларга ҳисоблаб бериб, шу орқали дори воситаларини шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб, [REDACTED] жами 30.000.000 сўм миқдорида моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Суднинг ҳукмидан норози бўлиб, судланган [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси, адвокат [REDACTED] апелляция тартибида келтирган шикоятда, биринчи инстанция судининг ҳукми эълон қилинганидан кейин судланган С.Жуманиёзованинг яқин қариндошлари томонидан жабрланувчиларга етказилган барча моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги ҳақида ваз келтириб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисми талабидан келиб чиқиб, суд ҳукмини ўзгартириб, [REDACTED] нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа енгилроқ турдаги жазо тайинлашни ва уни қамоқдан озод қилишни сўрашган.

Суднинг ҳукмига нисбатан Кўшкўпир тумани прокурори томонидан апелляция тартибида келтирилган протестда, жиноят натижасида етказилган моддий зарар тўлиқ қопламагани сабабли, биринчи инстанция судининг ҳукми билан судланган [REDACTED] озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] фойдасига қопланмасдан қолган моддий зарарни судланувчидан ундириш белгилангани, бироқ, биринчи инстанция судининг ҳукми эълон қилинганидан кейин 03.04.2026 йилда судланган [REDACTED] яқин қариндошлари томонидан жабрланувчиларга етказилган моддий зарарнинг қопланмасдан қолган қисми тўлиқ қопланганлиги ҳақида вазлар келтириб, ЖКнинг 168-моддаси 5-қисми талабидан келиб чиқиб, [REDACTED] оид чиқарилган биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириб, судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья [REDACTED] маърузасини, прокурор [REDACTED] прокурор протести ва берилган апелляция шикоятини қувватлаб, суднинг ҳукмини ўзгартириш ҳамда судланувчига озодликдан маҳрум қилиш боғлиқ бўлмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги, судланган С [REDACTED]

[REDACTED] берилган апелляция шикояти ва прокурор протестини қувватлаб, суднинг ҳукмини ўзгартириш ҳамда судланувчига озодликдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги фикрларини эшитиб, протест ва шикоятдаги вазларни жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра келтирилган прокурор протести ва апелляция шикоятини тўлиқ қаноатлантирган ҳолда, суднинг ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан судланган [REDACTED] содир этган жинояти тафсилотлари тўғри аниқланиб, унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг биринчи инстанция судида ўз айбига қисман иқrorлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи [REDACTED], жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED], гувоҳлар [REDACTED] дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида берган кўрсатувлари, жабрланувчиларнинг аризалари, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов даврида тўпланган бир қатор объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги ҳақида асослантирилган хулосага келинган.

Судлов ҳайъати, юқорида қайд қилинган далилларни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келадиган, ишончга сазовор ва мақбул далиллар деб ҳамда ушбу далиллар судланган [REDACTED] суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айбланиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан мазкур жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда кўрилиб, аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан тўла ва холисона текширилиб, судланган [REDACTED] суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, суд муҳокамасида ЖПКнинг 94 ва 95-моддалари талабига мувофиқ ҳолда баҳо берилган далиллар билан асослантирилган ҳамда унинг такроран, фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритишда ифодаланган жинойи қилмишлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди, судланган [REDACTED] айбига оилавий ва моддий аҳволи, оилада ягона боқувчи бўлиб, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, аёллиги, муқаддам судланмаганлиги, етказилган моддий зарар қисман қопланганлиги унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳоланиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб топилиб, ЖКнинг 50-моддаси 6-қисми талабларидан келиб чиқиб, у айбли деб топилган ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳамда уни суд залидан қамокқа олиш ҳақида асосли ва қонуний хулосага келган.

Бирок, биринчи инстанция судининг ҳукми чиқарилгандан кейин Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Хоразм вилояти ҳудудий бўлимининг банкдаги тегишли депозит ҳисоб рақамига судланган [REDACTED] яқин қариндошлари томонидан 03.04.2026 йилдаги тўлов қвитанцияси асосида 114.500.000 сўм пул маблағи топширилган бўлиб, ҳозирги кунда [REDACTED] томонидан содир қилинган жиноятлар оқибатида жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарорининг 9-бандида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра, ЖКнинг 168-моддасида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 491-моддасида, ишни апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўриб чиқаётган суд етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги тегишли моддаси нормасини қўллаш учун асослар аниқланган тақдирда ҳукми ўзгартириши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши кераклиги;

шу кодекснинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

шу кодекснинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиний фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

шу кодекснинг 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо

тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида;

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати, ишни апелляция инстанцияси судида кўриб чиқиш пайтига келиб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани учун суд ҳукмининг жазо тайинлаш қисмини ўзгартириб, судланган [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, унинг айбига қисман иқрорлигини ва қилмишидан пушаймонда эканлигини, оилавий ва моддий аҳволини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оиласида ягона боқувчи ва ёлғиз она эканлигини, муқаддам судланмаганлигини ва жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплаганлигини жазони енгиллаштирувчи ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, ЖКнинг 168-моддаси 5-қисми талабидан келиб чиқиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилган ЖКнинг 168-моддаси 4-қисмининг санкциясида назарда тутилмаган бошқа турдаги енгилроқ жазо, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан, уни 2026 йил 30 март кунидан - 07 апрель кунига қадарли, яъни 9 кун давомида қамоқда сақланган вақтининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштириб, тайинланадиган жазодан чегириб ташлашни ва уни қамоқда сақланаётган муассасадан дарҳол қамоқдан озод қилишни лозим деб топади.

Шунинг билан бирга, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Хоразм вилояти ҳудудий бўлимнинг банкадаги тегишли депозит ҳисоб рақамида сақланаётган, содир қилинган жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш учун [REDACTED] яқин қариндошлари томонидан 03.04.2026 йилдаги тўлов қвитанцияси асосида топширилган 114.500.000 сўм пул маблағининг 100.000.000 сўмини жабрланувчининг қонуний вакили Д.Ибраевга, 14.500.000 сўмини жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий зарарларни қоплашга қаратишни белгилашни;

[REDACTED] томонидан содир қилинган жиноят натижасида жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] етказилган моддий зарарларни тўлиқ қопланган деб топишни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман судининг 2026 йил 30 мартдаги [REDACTED]

[REDACTED] оид чиқарган ҳукми ўзгартирилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 50-моддаси 6-қисми тартибда тайинланган 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, судланган [REDACTED] 2026 йил 30 мартдан - 07 апрелгача, яъни 9 (тўққиз) кун давомида камокда сақланган вақтининг ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 3 (уч) кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегириб ташлансин ва ушбу жазонинг 27 (йигирма етти) куни ўталган деб ҳисобланиб, ўташлик учун иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой 3 (уч) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтатилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаган жойга бориб ишга тушган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилишлик Урганч тумани ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

[REDACTED] ҳозирда камокда сақланаётган муассаса, яъни Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД 6-минтақавий ҳудуд 11-сон тергов ҳибсхонасидан дарҳол камокдан озод қилинсин.

Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Хоразм вилояти ҳудудий бўлимнинг банкдаги тегишли депозит ҳисоб рақамида сақланаётган, [REDACTED] томонидан содир қилинган жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш учун судланган С.Жуманиёзованинг яқин қариндошлари томонидан 03.04.2026 йилдаги тўлов қвитанцияси асосида топширилган 114.500.000 (бир юз ўн тўрт миллион беш юз минг) сўм пул маблағининг 100.000.000 (юз миллион) сўми жабрланувчининг қонуний вакили Ибраев Дилшод Эргашевичга, 14.500.000 (ўн тўрт миллион беш юз минг) сўми жабрланувчи Камолов Дилшод Ҳамидовичга етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилсин.

Судланган [REDACTED] томонидан содир қилинган жиноятлар натижасида жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланган деб топилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Келтирилган прокурор протести ҳамда берилган апелляция шикояти тўлиқ қаноатлантирилсин.

Тарафларга апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят қилиши, прокурор протест келтириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи

имзо

[REDACTED]

Ҳайъат судьялари

имзо

[REDACTED]

имзо

[REDACTED]

Аслига тўғри: